

VOL 4. ISSUE 9



JOURNAL OF CONTEMPORARY WORLD STUDIES



zenodo


OpenAIRE | EXPLORE

ISSN

INTERNATIONAL
STANDARD
SERIAL
NUMBER
INTERNATIONAL CENTRE

ISSN:
3030-3311

VOLUME | 4 ISSUE | 9 | APRIL | 2026



JCWS

ЖИЗЗАХ ВОҲАСИ АҲОЛИСИНИНГ НИКОҲ ТҶИИ БИЛАН БОҒЛИҚ УРФ-ОДАТЛАРИ

¹ Жуманазарова Дилноза Умирзақовна, ² Қобилов Сардор Ихтиёр ўғли

¹ п.ф.н., доцент. Жиззах ДПИ

² Жиззах ДПИ талабаси


e-mail: jumanazarovadilnoza@gmail.com

ANNOTATION:

Ушбу мақолада Жиззах воҳаси аҳолисининг никоҳ тўйи билан боғлиқ урф-одатлари, анъаналари ва маросимларида қадимги диний эътиқодларнинг сақланиб қолганлиги ва исломий урф-одатларнинг модернизациялашуви хусусида фикр юритилади.

KEYWORDS:

Тарихий этнографик макон, урф-одат ва анъаналар, никоҳ тўйи, совчи, куёв навкар, келин салом, юз очди, чилла.



April 28, 2026,
Published Date:
April 30, 2026

Journal Website:

<https://d-pressa.com/index.php/jcws/>

License



This work is licensed under a [Creative Commons Attribution-NonCommercial-NoDerivatives 4.0 International License](https://creativecommons.org/licenses/by-nc-nd/4.0/)

Кириш

Ўзбек халқи қадимий расм - русумлари, дунёқараши, ишонч эътиқодлари, турмуш тарзи, асрлар бўйи жамлаган ҳаётий тажрибалари ва кўникмаларини ўзида мужассамлаштирган энг жозибали маросимларидан бири - никоҳ тўйидир. Жиззах воҳасининг қадимий эътиқодлари, маданият тарихи, орзу - умидлари, ҳаётга муносабатини ўрганишда никоҳ тўйи билан боғлиқ маросимлар муҳим аҳамиятга эгадир. Ўзбекларда азалдан энг яхши кунларидан бири бу тўй ўтказиладиган кунлар ҳисобланган. Шунинг учун ҳам, кексалар доим: “Ҳар кимни тўйга етказсин, орзу-ҳавас кўрсин”, деб дуо қиладилар. Никоҳ тўйининг асосий ва таркибий масаларидан бири бу албатта, оила ва никоҳ муносабатларидир.

“Никоҳ” сўзининг ўзбек тилида икки хил луғавий маъноси бор. Никоҳ (араб. – уйланиш, эр-хотиннинг қовушиши) – эр-хотинликни шариат йўли билан расмийлаштириш маросими ва шу маросимда домудла (Имом) томонидан ўқиладиган шартнома [7. 2006, 38 б]. Яъни, эркак ва аёл турмуш қуришининг исломга хос диний шакли бўлиб, шариатда оилавий муносабатларни тартибга солиди ва никоҳга, биринчи навбатда, икки томоннинг мажбурияти ва ҳуқуқларига асосланган шартнома сифатида қарайди [1. 1987, 139-140 б]. Ҳозирги вақтда никоҳ икки хил – дунёвий ва диний мазмунга эга. Дунёвий маъносига кўра, никоҳ – эр-хотиннинг ўзаро розилиги билан ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштирилган оилавий иттифоқи; эр-хотинлик [7. 2006, 38 б]. Бошқача қилиб айтганда, дунёвий мазмунда никоҳ турмуш қураётган эркак ва аёлнинг фуқаролик ҳолати

далолатномаларини ёзиш органида (ФХДЁ) рўйхатдан ўтишини англатади.

Асосий қисм

Оила сўзининг ўзбек тилида беш хил луғавий маъноси бор. Оила – эр-хотин, уларнинг болалари ва энг яқин туғишганларидан иборат бирга яшовчи кишилар мажмуи; хонадон [7. 2006, 97 б]. Унинг бошқа маънолари бир-бирига яқин бўлиб, умумий маънода бирлашган кишилар, халқ, мамлакатлар ёки ўсимлик ва ҳайвонларда гуруҳларни, қардош тиллар гуруҳини айтиш мумкин. Ундан ташқари, луғатда оила сўзлашув тилида рафиқа, хотин маъноларини ҳам англатади [7. 2006, 97 б]. “Ислом” энциклопедиясида [2. 2003, 313 б] никоҳдан фарқли ўлароқ оила тушунчаси ҳақида маълумот берилмаган. Умуман олганда, оила – никоҳга ёки туғишганликка асосланган кичик гуруҳ бўлиб, у қадимдан халқимизда алоҳида маросим сифатида ўтказдириб келинган. Яъни, икки ёшни никоҳдан ўтиб, оила қурганликлари элга билдириш мақсадида ош дамланиб, қариндош уруғлар жамоаси ва кўни-кўшнилари йиғилишган.

Юртимиздаги кўплаб бошқа этнографик минтақалар сингари Жиззах воҳаси аҳолисининг никоҳ тўйлари ўзининг турли маросимлар, анъаналарга бойлиги, этнографик манбаларининг ранг - баранглиги билан алоҳида ажралиб туради. Жиззах воҳаси ўзбеклари никоҳ тўйлари оилавий турмуш ва маънавий маданиятнинг таркибий қисми бўлиб, унинг иштирокчилари томонидан азалдан мураккаб урф - одатлар ва удумлар бажарилган.

Никоҳ тўйи тантаналарини бошлаб берувчи дастлабки маросим совчилик ҳисобланади. Совчилар тўғрисидаги илк маълумотларни VII - VIII асрларга оид Ўрхун - энасой

битикларида учратамиз. Тунюкук (VII аср) битиктошида “сов” - калимаси саб - сўз, гап маъносида ишлатилган. Ирк битиги (фол китоби) да эса “саб” - сўз, “сабчи” - хабарчи, сўз келтирувчи маъносида қўлланилган. Ўрта асрлар машхур тилшуноси Махмуд Қошғарий бу хусусда “совчи - келин ва куёв орасида бир - бирига хабар элтувчи” деб изоҳлаган [4. 1960, 169 б]. Демак, бундан янги оилани пайдо бўлишидаги совчилик удуми узоқ ўтмишда шаклланганлигига амин бўламиз. Жиззах воҳасида аввал совчиликка эркалар келишган. Улар қиз ота - онасининг розилигини олишгач аёлларни қизнинг уйига жўнатишган. Аёллар қиз уйига келиб, розилигини олгандан сўнг, унинг бошига “оқ ўраб” (рамзий маъно шаклида оқ рўмолча) кетишган ва шундан сўнг дастлабки маросим “Фотиҳа тўйи” бўлиб ўтган.

Фотиҳа тўйи маросими республикамызнинг бошқа ҳудудлардаги каби шаклда ўтказилсада аммо, ундаги баъзи бир одатларда Жиззах воҳасига хосликни учратиш мумкин. Масалан, куёв тарафидан келин хонадонига келган меҳмонлар (қудалар) га дастлаб “ширин сув” олиб келинган. Бу одатнинг таг мазмунида ҳар икки томон бошлаган эзгу ишнинг якуни ҳам ҳудди ширин сув каби ўтсин, ёшлар турмуши ширин, тотли бўлсин, деган эзгу ниятлар ётади. Айниқса, воҳа аҳолиси орасида ҳозирги кунларгача сақланиб қолган фотиҳа тўйи билан боғлиқ отатлардан бири шу кундан бошлаб, бўлғуси келин - куёвлар бир - бирларининг ота-оналари, оила-аъзолари ҳамда яқин қариндошларига дуч келиб қолмасликка уриниб, улардан ўзларини тортиб юрадилар.

Тўй маросимларида кекса ёшли, кўп фарзандли кишилар иштироки зарур ва ўта муҳим ҳисобланган. Улар тўй маросимининг маълум босқичларида

ўзига хос функцияларни бажарганлар. Биз буни бўлғуси келин сепини тайёрлаш жараёнидан бошлаб кузатишимиз мумкин. Одатда, бўлғуси келин - куёвларнинг кўрпа-тўшакларини тикиш, яъни “кўрпа солди” маросимида бичиш - тикиш ишлари кекса аёллар томонидан бошлаб берилган. Маросим олдидан онахонларимиз келин - куёвнинг бир - бирига ошиқ бўлиб юрсин деган ният билан дастлабки кўрпалари бурчагига ошиқ (қўй ошиғи) солиб тикадилар. Бунда нуроний, кўп фарзандли аёллар хислатлари бўлғуси келин - куёвга ҳам ўтсин, – деган ижобий ниятлар мужассамлашган.

Никоҳ куни кечки пайт куёв ўз дўстлари билан ясан - тусан қилиб, кутловлар остида тўйхонадаги оксоқоллар дуоси - фотиҳалари олиб, келин уйига “куёвнавкар” га борадилар. Куёвнавкарлар йўл бўйи куёв келин хонадонига бораётганлигини билдириш учун жўшиб - жўшиб, устма - уст хайқириб ёр-ёр айтиб, жар солиб борганлар. Куёвнавкарлар келин хонадонига етиб келганларидан сўнг махсус тайёрлаб қўйилган хонага кирганлар. Уй остонасига пояндоз (оқ рангли мато ва ипак мато) солинади. Куёв пояндозни босиб ичкарига кирганидан сўнг, унинг дўстлари шундай куёвлик бизга ҳам насиб этсин, – деган ниятда куёвнинг оёғи теккан пояндозни келин ва куёв томондан жамланган йигитлар ўзаро тортишиб, парчалаб оладилар. Биз бунда пояндознинг ўзига хос муқаддаслик хоссасини кўрамиз. Куёвнавкарлар дастурхонига турли ноз неъматлар билан бирга бўлғуси оила серфарзанд бўлсин деган ниятда тухум қўйилади ва шу билан бирга тўққизта лаган (товоқ)да таомлар киритилади. Булар жумласига алоҳида куёв учун қайнона товоқ, янга товоқ, танишув товоқ ва шу кабилар

киради. Улар дастурхон атрофида ўтирганларидан сўнг хонадон кекса кишиси дуои фотиҳа қилади. Шундан сўнг куёвга аталган ширинчойни келинни янгаси олиб кирган ва уни дастлаб куёвга берган (Бу жараёнда ҳам ўзига хослик шундан иборатки, куёв бас демагунча келинни янгаси чойни қайтаравериши лозим бўлган), сўнггра унинг дўстлари ўз ҳаётлари ширин, тотли бўлсин, деган ниятда ичганлар. Куёвнавкарлар дастурхон атрофида ўтирган пайтда мезбонлардан бири куёвни ёмон кўздан, ёвуз руҳлардан ҳимоя қилиш мақсадида исирик тутатади. Ўз навбатида куёв ва унинг шериклари миннатдорчилик рамзи сифатида исирикчига пул берганлар. Куёвнинг дўстларига зиёфатдан сўнг даструмолча ёки белбоғ тарқатилади.

Никоҳ тўйи куни кечга яқин аёлларнинг ўзига хос “карвони” билан куёв хонадонига олиб келинади. “келин карвони” олдида албатта кичик ёшли ўғил боланинг бўлиши ва келиннинг бутун тана қисми кийимда ёки паранжи билан тўсилган бўлиши талаб этилган. Келинни олиб келаётганлар куёв уйи олдида яқинлашгач дарвоза олдида катта олов ёқилади ва куёвнинг янгалари патнисда ризки бутун бўлсин деб нон, тили ширин бўлсин деб ширинликлар, тўйлар қилсин деб кийимлик мато олиб чиқилади. Шундан сўнг “келин карвони”га қиз томондан ҳамроҳлик қилиб келган келиннинг кичик ёшли ўғил укаси ёки жияни томонидан “соат пули” талаб қилинган. Сўнггра келин олов атрофида уч марта айлантрилиб ичкарига олиб кирилган. Бундай одат Жиззах воҳасидагина эмас, Республиканинг бошқа минтақаларида яшовчи ўзбеклар, қолаверса тожик, қирғиз ва туркманлар орасида ҳам кенг тарқалган [6. 1999].

Келин куёвнинг уйига олиб кирилгач, қудалар тарафидан биттадан янгалар уйнинг ўнг тарафи юқори бурчагида чимилдиқ боғлаганлар. Чимилдиқ келинни ёвуз кучлар ва ёмон кўзлардан асровчи ўзига хос афсунгарлик воситаси бўлган. Чимилдиқ айнан шу сабабга кўра келинни рамзий ҳимоя қилиш функциясини бажарган. Қолаверса, янги туғилган чақалоқ учун бешик сингари чимилдиқ ҳам келин - куёвларнинг янги уйи, дунёси ҳисобланган. Шу боис, Жиззах воҳасида келин - куёвнинг чимилдиғига тахта қошиқ осиб қўйиш одати бўлган. Дарвоқе, воҳада чимилдиқни боғлаган янгаларининг ўзлари ҳам келин - куёвга таҳдид солиши мумкин деб тасаввур қилинган ёвуз кучлар ва инс жинслардан уларни ҳимоя қилувчи рамзий ҳомий ҳисоблаганлар. Шу сабабга кўра тўйнинг бошидан охиригача янгалар зиммасига юкланган вазифалар жуда кўп бўлган. Жиззах воҳасида янгаларни янга, чеча, келинойи, ойи деб номлашган. Янгаларни танлашда маълум бир тартиб - қоидаларга амал қилинган. Янгалар одатда, нафақат бир никоҳли, серфарзанд шу билан бирга уddaбурон, чечан, сўзамол, ҳаёт тажрибаларига бой бўлишлари асосий шартлардан ҳисобланган. Бўлажак келинни никоҳга янгалар тайёрлаганлар, дастлабки танишувда куёв ва куёвнавкарлар билан ҳам янгалар муомила қилганлар.

Соч сийпатар, қўл ушлатар, ойна кўрсатар, никоҳ сувини ичириш одатларини ҳам бугунги кунгача янгалар амалга ошириб келмоқдалар. Бунинг сабаби, фольклоршунос олим А.Мусакуловнинг таъкидлашича, янга руҳлар билан янги дунё ўртасида шомонга яқин киши ҳисобланган.

Бошқа ижтимоий гуруҳга ўтиш ғояси келинни янги фаолиятга тайёрлаш билан боғлиқ “супра очди”, “эшик илув”,

“туйнук очар” каби урф - одатларда ҳам намоён бўлган. Бунда келининнинг рўзгор ишларига нечоғлик тайёр эканлиги, унинг укувлилиги, ишчанлиги, эпчиллиги, таом тайёрлаши каби фазилатлари синовдан ўтказилган. Тўйда келин - куёвнинг янги ижтимоий мақомга (Масалан, “қиз бола” - “келин”, “хотин”, “йигит” - “куёв”, “эр йигит”, “эркак”) ўтганлигидан қадимги жинс жамоаларига тегишли ёш инитицацияси қолдиғини кўриш мумкин.

Ахборотчиларимиз

маълумотларига кўра, никоҳ ўқиладиган пайтда ўртага дастурхон ёзилиб бир косада сув қўйилади. Никоҳдан сўнг келин - куёв косадаги сувдан бир ҳўпландан ичиб бошқаларга ҳам берадилар. Ўртага дастурхон ёзиш, сув қўйишнинг сабабини [5. 2007, 28 б] сўраганимизда, ёшларнинг умри, турмуши ҳамиша тўқлик, тўқинлик, ва сувдай мусаффо ва ширин ўтиши учун шундай қилинишлиги ҳақида маълумот олдик. Дарвоқе, бу ўринда шуни ҳам эсга олиш жоизки, никоҳ маросимида келин - куёв олдида сув қўйиш одати воҳа халқлари ва мусулмон аҳолиси орасидагина эмас, балки эътиқоди турлича халқларда ҳам кенг тарқалган. Бу борада илмий адабиётлар [3. 1929, 182 б] да ҳам маълумотлар келтирилган. Тадқиқотчилар бу одатни ёшларни бирлаштиришнинг рамзий акти, сифатида талқин қиладилар.

Бундан ташқари, Жиззах воҳаси ўзбекларида никоҳ ўқиладиган пайтда уйдаги кулфлар беркитилган ҳолда бўлиши лозим бўлган ва бу вақтда иштирокчилар қўлни қовуштириб “кулфъ қилиб ўтириши эса қатъиян тақиқланган. Сабаби, бу каби таъқиқланган ҳолатларга эътибор берилмаган тақдирда икки ёш жинсий қовуша олмасликлари кузатилган.

Никоҳ тўйи анънасида кўра тўйнинг эртасига куёвнинг барча яқин кишилари, қариндош уруғлар, қўни - қўшнилар келинга атаб совғалар олиб келганлар. Ушбу кун келиннинг онаси бошчилигида келин томон аёллари куёв уйига “Юз очди” (Келин салом) маросимида келганлар. Бу маросим Жиззах воҳасида “Бет очар”, “Юз очар” каби номлар билан юритилади. Бу маросимда келин янгилар ёрдамида юзига оқ рўмол ташлаган ҳолда йиғилганлар ҳузурига бошлаб чиқилган. Шундан сўнг хонадоннинг ёш ўғил боласи томонидан хонадон ўқлоғи (ўқлов) билан келиннинг юзидаги рўмоли очилган ва узоқроқ жойга олиб қочилган.

Жиззах воҳасида никоҳ тўйидан сўнг ўтказиладиган “бет очар” маросимида “супра очди” одати бажарилган. Бу одат Жиззах воҳасининг барча ҳудудлари бўйлаб кенг тарқалган. Бу тадбир иштирокчилари даврасига супра ёзиб бир товоқ ун солинади. Қайнона супрага ундан бир ҳовуч олиб, келиннинг қўлига тўқади. Келин эса унни супрага тўқади. Бу ҳол уч марта такрорланади. Ўзбекларда ун оқлик, ёруғлик ҳисобланганлиги сабабли ҳам ушбу ҳаракат амалга оширилади. Сўнг супра устида келин тахтачада мойли гўшт тўғратилади. Бунинг сабаби, қўли доим мойли бўлсин деган мақсад назарда тутилган. Демак, “супра очди” удуми эзгу умид билан келин - куёвнинг ҳаёти ёрқин бўлсин, улар мўл қўлчиликда рўзгор тутсинлар деган ниятда ўтказилган.

Жиззах воҳасида ҳам минтақадаги қатор бошқа халқлардаги сингари ёш келин - куёвнинг дастлабки қирқ кунлик ҳаёти “чилла” даври ҳисобланади. Бу даврда ёшларни ёвуз кучлардан асраш мақсадида хонадон чироғи ўчирилмайди. Чилла даврида келин ҳам,

куёв ҳам ниҳоятда пок, тоза, софдил, оқ кўнгил, бир - бирига ва атрофдагиларга ўта меҳрибон бўлишлари талаб қилинган. Чунки, шу кунлари улар нималарни одат қилсалар, то умрининг охиригача шундай бўлиши мумкин, деган тасаввур кенг ёйилган. Мазкур давр мобайнида келин - куёв шомдан сўнг кўчага чиқмаслиги, ёлғиз юрмасликлари қатъий белгиланган.

Воҳа ўзбекларининг анъанавий никоҳ тўйи маросимларида ранглар рамзига ҳам алоҳида эътибор берилган. Маросимлардаги оқлик (оқ ранг) ёшлар бўлғуси ҳаёти тимсоли ҳисобланган. Шу боис келиннинг уйига совчиликка борганларга ҳам оқлик берилган. Келиннинг никоҳ либоси ҳам оқ рангда бўлган. Оқ рангнинг рамзий маъносини тўйдан сўнг келинни хонадон супрасига ўтқизиб, ун ва ёққа кўлининг теккизилишида ҳам кўриш мумкин.

Хулоса

Умуман олганда, Жиззах воҳаси ўзбекларининг анъанавий никоҳ тўйи маросимлари қадимий урф- одат ва маросимлар мажмуидан ташкил топган бўлиб, уларнинг аксарияти исломий анъаналар билан ўзаро уйғунлашган, қоришган ҳолда бугунги кунга қадар давом этиб келмоқда. Айнан мазкур маросимлар ва одатлар яшовчанлигининг энг асосий сабаби, уларнинг асосий мазмун моҳияти ва энг юксак мақсади келажак авлод давомийлигини таъминлашга қаратилганлиги билан характерлидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ислом. Справочник / Усмонов М.А. таҳрири остида – Т., 1987. 2-нашри. – Б. 139-140.
2. Ислом. Энциклопедия: А-Х /
3. Ҳусниддинов таҳр. ост. – Т., 2003. – Б. 313.

3. Кагаров Е.Г. Состав и происхождение свадебного обряда//Труды АЭЛ 1929. Т. VIII. - С. 182.

4. Махмуд Қошғарий. Девону луғатитурк. - Т., 1960. Т. 3- Б. 169

5. Мусақулов А. Маросимларда янганнинг ўрни ҳақида// “Ўзбек маросим фолклорини ўрганишнинг янгича тамойиллари”. Республика илмий-назарий конференция материаллари. Навоий, 2007. 28 б.

6. Рахимов Р.Р. Традиционное мировоззрение таджиков, проблемы образов и символов в культуре: Автореф. дис. ... д-ра ист. наук. СПб., 1999.

7. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмалари. Ж. III. Н – Тартибли / Таҳрир ҳайъати: т., Мирзаев (рахбар) ва бошқ. – Т., 2006. – Б. 38.